

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 142 (10.195)

2004 ЙИЛ 26 ИЮЛЬ

**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кунни**  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА  
Сўзлар**

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги маҳаллаларда 10-16 ёшли болалар ва ўсмирлар иштирокида «Ер кўрсаткичи» мавзuida давора расм чизиб тадбири ўтказилди.

● **ШАХРИМИЗДА** Ўзбекистон халқ демократик партияси ташаббуси билан таниқли сиёсатшунослар, ёшлар иштирокида уюштирилган семинар-тренинг «Бўлажак сайловларда ёшларнинг иштироки» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Маданият ишлари вазирлигинда уюштирилган тадбирда Ялтада ўтказилган ёш санъаткорлар фестивалида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган ҳамюртларимиз ҳам иштирок этишди.

● **ШАХРИМИЗДА** фаолият юритаётган «Зукко» ўқув марказида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган зуқко қизларга ҳам бичиш, тиқиб сирлари ўргатила бошланди. Мазкур марказ томонидан пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчи қизларини бепул ўқитиш йўлга қўйилди.

● **«ТОШШАҲАРЙУЛОВ-ЧИТРАНС»** Давлат акциядорлик компанияси ихтиёрига яна 300 та замонавий «Мерседес-Бенц» автобуслари келтирилди.

● **ОЛИЙ** ўқув юртларидан абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш ниҳоясига етган бўлсада, ўрта махсус касб-хўнар таълими муассасаларига ҳужжатлар топшириш давом этмоқда. Бу жараён 31 июлга қадар давом этади.

● **ЎРТА** махсус касб-хўнар таълими институтида ўқувчилар иштирокида таълим тизимидagi ислохотларга доир ўтказилган семинарда ривожланган давлатлар таълими тажрибасини ўрганиш фойдасидан ҳоли эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

● **ТОШКЕНТ** ирригация ва мелиорация институтида амалиётчи олимлар иштирокида қишлоқ хўжалиги тармоғи ривож учун хориждан илғор технологияларни жалб қилиш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясини чақиритиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Кенгаши  
ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 2004 йил 26 август кунни Тошкент шаҳрида чақиритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Раиси  
Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 23 июль.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси муҳокамага қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида.
3. «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
4. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (янги тахрири).
6. «Давлат бюджетининг гавначиллик ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг ўқимас тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

Қонуни лойиҳаси ҳақида.

8. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

9. «Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатини ва Сенатининг аъзосини чақиритиб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

10. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили /Омбудсман/ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида /янги тахрири/.

11. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. \*\*\*

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамага Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

### Хисобот-сайлов конференциялари

## АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Истиқлолимизнинг ўтган 13 йили давомида Ўзбекистон аёллари ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда, бозор муносабатлари шароитида жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бироқ улар фаолиятида ютуқлар билан бирга айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Президентимизнинг жорий йилнинг 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Айни кунларда ушбу Фармон ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июндаги 299-сонли қароридан келиб чиқиб, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оилада, жамиятда ва давлат қурилиши соҳасидаги вазифаларни бажаришдаги ролини ошириш мақсадида шахримиз туманлари хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов йилги маълумоти бўлиб ўтмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Хотин-қизлар қўмиталари аёллар манфаатининг ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига айланиши керак». Хўш, бугунги кунда хо-

тин-қизлар қўмиталари аёллар манфаатининг ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячиси бўла олаётими? Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги роли қай даражада? Ушбу саволларга жавобни туманлар хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари жараёнида билиш мумкин.

Қуни кеча Акмал Икромов туманидаги қурилиш-коммунал касб-хўнар коллежида туман хотин-қизлар қўмитасининг III ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда тумандаги маҳаллаларнинг фаол аёллари, меҳнат фахрийлари, олимпиадалар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ийгилишни Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг проректори Гуландом Боқиева олиб борди.

Давоми 2-бетда.

**XXI саҳоси**  
Барча мамбалардан  
олинган сўнгги хабарлар

**Мамлакатимизда**

● Республика Президенти ҳузурдаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Словакия ташқи сиёсати ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасида битим имзоланди.

● Тошкентдаги Марказий ҳарбий-спорт клуби мажмуида I Умумармия ўйинларининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда оромгоҳларда дам олаётган болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларнинг репродуктив саломатлик бўйича билимини ва тиббий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган ўқув-соғломлаштириш тадбирлари иккинчи босқичи якунланди.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Бўстонлик туманидаги «Бахт» болалар оромгоҳида дам олаётган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистондан келган болалар иштирокида «Гибванд моддаларсиз ҳаёт» мавзuida давора суҳбати ўтказилди.

● Самарқанд вилоят «Ёшлар маркази»да «Ҳамшира-2004» танловининг вилоят босқичи якунланди.

**Жаҳонда**

● Саудия Арабистони хавфсизлик хизмати кучлари ҳукумат томонидан қидириляётган жангарилар билан тўқнашди. Ар-Риёда рўй берган тўқнашув пайтида хавфсизлик кучлари икки нафар жангарини ўлдиришган, қолган жараҳатланган 3 нафар жангари қўлга олинган.

● Ироқдаги жангарилар томонидан Миср элчихонаси ходими ўғирлаб кетилди. Бу Ироқда фаолият кўрсатаётган илк дипломатининг ўғирланишидир.

● АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси NASA космик агентлигига янги қарорини тақдим этди. Унда агентлигининг 2005 йилги бюджетини етти фоизга қисқартириш қўзда тутилган.

● Гвинеянинг жанубий-шарқида 182 қиротли (қарат-тахминан 0,2 граммга тенг) олмос топилди. Айни пайтда бу ноёб топилма Гвинеянинг Марказий банкида сақланмоқда.

● Сувга фарқ бўлган афсонавий «Титаник» кемасида бир неча йил қидирув ишларини амалга оширган учта коллекционер ўзлари тўплаган барча нодир ашёлар — 250 та предметни ким ошди савдосида сотишга қарор қилдилар.

## ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг ҳўжалик судларининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти аёнлашган бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳўжалик судлари муҳим ўрин тутди.

Бундай масъулиятли вази-фани бажаришда самарали натижаларга эришилди. Иқтисодиётимизнинг асосий бўғинига айланган ҳусусий тармоқ вакиллари ўз фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялашда ҳўжалик судларига таянмоқда. Зеро, мазкур тизимда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Мамлакатимиз ҳўжалик судларининг шу йил биринчи ярми йилги фаолияти таҳлили Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламадаги ислохлар самараси ўлароқ, иқтисодиёт изчил ривож топаётгани, ҳуқуқий ҳимоя тизими тобора мустаҳкамланаётганини кўрсатмоқда.

Ҳусусий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари, деҳқон ва фермерлар, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, умуман, аҳолининг одил судловга нисбатан ишончи ортапти.

Ўтган даврда ҳўжалик судларида 32 мингга яқин низо ҳал этилиб, даъвогарлар фондига 340 миллиард сўм ва беш миллион АҚШ доллари жавобгарлардан ундириб берилди. Давлат божи ва суд жарималари ҳисобидан бюджетга 4,5 миллиард сўм туширилди.

Ҳусусий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари, деҳқон ва фермерлар ўз ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда янада фаоллашмоқда. Судларда мазкур субъектларнинг ҳуқуқини тиклаш билан боғлиқ беш мингдан зиёд ариза кўриб чиқилиб, улар фондига 13 миллиард сўм ундирилгани бунинг исботидир. Шунингдек, ҳўжалик фаолиятига асосис аралашиб, уларнинг ривожига тўққинлик қилаётган давлат назорат ва бошқарув идораларининг қонунга зид 161та ҳужжати ҳақиқий эмас деб топилди, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий нозорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ўз фаолиятида қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг айбдор мансабдор шахсларига нисбатан олти мингга яқин таъсир чоралари қўлланилди.

Айбдор шахслардан 37,8 миллион сўм жарима, бундан ташқари, қорхоналарга етказилган 30 миллион сўмликка яқин моддий зарар ундириб олинди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 98 жиноят иши кўзгатилиди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

У.А.

Давоми. Боши 1-бетда.

Анжуманда Ақмал Икромов туман хотин-қизлар қўмитасининг 2002-2004 йил июль ойигача қилинган ишлари юзасидан туман ҳўқимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Азиза Ғиёсованинг ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда таъкидланганидек, Ақмал Икромов туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ажримларнинг олдини олиш, қизларни турмушга тайёрлаш ҳамда соғлом авлод тарбияси, хотин-қизларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар бажарилган. Туманда жами аҳоли сони — 228300 тани ташкил этиб, шундан аёллар сони — 116400 нафарни, оилалар сони эса 75030 тани ташкил этади.

Таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар ўртасида амалга оширилган ижобий маънавий-маърифий ишлар билан бир қаторда, бу борада ечимини кутаётган қатор муаммолар йўқ эмас. Айни вақтда айрим аёллар ва ёшларда маънавий қашшоқлик, моддий бойликка ҳирс қўйиш, енгил-елпи йўллар билан бойлик орттиришга интилиш ҳолатлари кўзатишмоқда. Бундан ташқари айрим ёшларнинг оила ва маҳалладаги носоғлом муҳитнинг қурбони бўлиб, турли бузғунчи кучларнинг, экстремистик ва террористик гуруҳларнинг таъсирига тушиб қола-

ётганлиги ҳам сир эмас. Бундай ҳолатлар оилада, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида миллий ва умуминсоний қадриятларни янада кенг тарғиб этиш, улар тарбиясини миллий ва умуминсоний қадриятлар рўҳида шакллантириш, ижтимоий фаолликларини оширишни тақозо этади. Туманда айниқса диний ақидаларастликнинг олдини олиш ишлари суст даражада эканлигини айтиш мумкин. Ҳўш, бундай камчилик ва муаммоларга барҳам бериш учун нима қилиш керак?

## АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Авалло туман хотин-қизлар қўмитаси аёллар ўртасида диний ақидаларастликнинг олдини олиш мақсадида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ишини ташкил этиш, Президентимиз Фармонида кўрсатилганидек, ушбу вазифага ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўткази оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизлар тайинланиши лозим.

Анжуманда сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати 8-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Мунира Шаҳобова ав-

вало хотин-қизларнинг оилада тиббий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофиза қилиш, қизларни турмушга тайёрлаш, бугунги кунда айниқса ёшларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг аҳамиятини тушунтириш сингари муҳим масалаларга келгусида яна ҳам катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Йигилишда шунингдек, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги раиси Рустам Шогуломов, маҳалла фахрийси Қўтби Носирова ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз Фармонларида белгиланган вазифаларни бажаришда кўпроқ нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳусусида

фикр юритиш, оилада фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, соғлом авлоднинг камол топтиришда аёлларнинг роли муҳим эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Конференциянинг кун тартибига биноан ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ақмал Икромов туман хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятига бир овоздан қониқарли, деб баҳо берилди ва туман хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига Азиза Ғиёсова қайта сайланди. Шунингдек, анжуманда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси конференциясига делегатлар ҳам сайланди.

Конференцияда Тошкент шаҳар ҳўқими Рустам Шоабдурахмонов иштирок этди.

Дилором ИКРОМОВА

Беш йилга мўлжалланган ушбу даврда қандай татбиқ этилади? Биринчи галдаги вази-фалар нималардан иборат? Дастурни молиялаштириш манбалари қандай таъминланади? Шу каби саволлар бугунги кунда турли даражаларда муҳокама қилинмоқда ва бу борада ўзига яраша долзарб масалалар ҳам мавжуд бўлиб қолимоқда. Шу боисдан жойларда дастурнинг аҳамияти ва моҳияти, унинг асосий йўналишларининг амалиётга жорий этилиши юзасидан барча ваколатли органлар иштирокида тушунтириш ишлари амалий тус олмақда. Ўтган шанба куну Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Тошкент шаҳар ҳўқимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар-кенгашда объектларни лойиҳалаштиришдан тортиб, қурилиш ҳамда ўқиш жараёнлари микёсидаги барча саволларга аниқлик киритилди.

Семинарда сўзга чиққан шаҳар қурилиш ва инвестиция ду-

фикрлар билдирилди.

Семинарда кўпчиликини қизиқтирган молиялаштириш масаласи кенг муҳокама қилинди. Маълумки, дастурга мувофиқ махсус мактаб таълими жамғармаси тузилган. Бу

қурилиш ва таъмирлаш ишлари эмас, балки педагог-кадрлар малакасини оширишга ҳам маблағ ажратилади. Ҳусусан, ҳар йили 70 мингга яқин ўқитувчилар тажриба орттириши, беш йил давомида эса бунинг учун 35 миллион сўм сарфланиши режалаштирилган.

Семинар катнашчиларида шунингдек, синфларни ва ўқув лабораторияларини жиҳозлаш масаласи катта қизиқиш уйғотди. Иқтисодиёт вазирлиги маълумотига кўра ушбу йўналишда хорижий инвестициялардан фойдаланилади. Дарвоқе, бу борада мактаб жиҳозлари биринчи кўргазмаси ташкил этилди ва дастлабки натижалар ёмон бўлгани йўқ. Тошкент шаҳридан иштирок этган 20 га яқин ишлаб чиқариш қорхонасидан бир нечтаси келиш-шартномаларини тузишга муваффақ бўлди.

Семинарда дастур доирасидаги айрим лойиҳалар ҳусусида Тошкент шаҳрини обод ва реконструкция қилиш лойиҳалаш институти директори Баҳодир Одилхўжаев тўхталиб ўтди. Жумладан, ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари кўрсаткичларига қараганда капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлашга тушган объектларнинг ўрта ҳисобдаги таннари 700 миллион сўмдан 35 миллион сўмгача белгиланмоқда. Шу нуқтага назардан барча босқичдаги ишларнинг вақтида бажарилиши ва молиялаштирилиши инобатга олган ҳолда келгуси йилга режалаштирилган объектлар бўйича ягона буюртмачи ҳамда пудратчиларни аниқлаш масаласига ҳозирдан ҳаракат қилиш кераклиги таъкидланди.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан барча объектларни фақат белгиланган муддатта таъмирлаш ва топшириш лозимлигини эмас, балки ишларнинг сифатли бажарилиши ва шундан келиб чиққан ҳолда қурилиш ташкилотлари молиялаштирилиши зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

### Семинарлар


## ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида яқиндақабул қилинган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қонуний босқич сифатида юзага келди. Ўзбекистон Президенти Фармони билан тасдиқланган ва ҳукумат қарори билан татбиқ этилиши бошланган ушбу дастур мактаб таълим тизимини босқичма-босқич тубдан ўзгартиришни кўзда тутиди, шу жумладан умумтаълим муассасаларининг моддий-техник негизини яхшилаш ва ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш ҳам дастурнинг моҳиятини акс эттиради. Буларнинг бари, шубҳасиз пировардида таълимнинг илк босқичиданоқ унинг сифатини оширишга, ўқувчиларнинг мактаб чоғиданоқ барча қулайликларга эга шароитда, таҳсон андозаларига мос ўқув қўлланмалари асосида тахсил олишига йўналтирилган.

Стурлари департаменти раҳбари Абдухамид Азимов қурилиш жараёнларида сифатли кўрсаткичларга эришиш борасида пудратчи ташкилотларни тайинлашда тендер танловлари механизмига ўзгартиш киритиш лозимлиги ҳақида таклиф киритди. Ҳусусан, номзодлар орасидан барқарор ишлашга қодир ва шакллантирилган пудратчиларни танлаш мақсадида мувофиқ бўлиши таъкидланди. Бу борада, албатта кичик ҳажмдаги қурилиш ташкилотларининг ўрни алоҳидадир ва биринчи галда уларнинг ижтимоий соҳа объектлари, шу жумладан ўқув юртини барпо этишда орттирган тажрибасига эътибор қаратилади. Бундан ташқари, дастур доирасидаги қурилишга жалб этилган барча пудратчиларнинг солиққа тортилишида тенг шароитлар яратилиши ҳақида ҳам

ҳақда батафсил тушунча берган жамғарма ижрочи дирекцияси раҳбари ўринбосари Носир Хўжаев мазкур жамғарманинг моҳиятига эътибор қаратиб, асосий маблағлар бюджет томонидан таъминлаб борилиши назарда тутилгани ҳолда уларнинг мақсадили ишлатилиши учун жамғармада барча манбалардан тушаётган маблағлар мувофиқлаштирилиб, белгиланган тартиб асосида тахсимланиши ҳаракатини ҳам таъсирга берди. Шу мақсадда, яъни жойларда олиб борилаётган ишларда маблағларнинг манзилли сарфланиши устидан назорат масъулияти юклатилган туман молия бўлимлари раҳбарлари, халқ таълими бўлимиари бухгалтерлари ҳам семинарга таклиф этилиб, тегишли тавсиялар олишди.

Жамғарма ҳисобидан фақат



**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан**

● АҚШнинг NASA агентлиги Меркурий сайёрасини тадқиқ этишга тайёргарлик кўришни поёнига етказмоқда. Шу йил 2 август куни Messenger дая аталган сунъий йўлдош мазкур сайёрага учирлади. Уни Delta II элтувчи ракета коинотга олиб чиқади. Маълумки, Меркурий фанда энг кам ўрганилган сайёра. У қаттиқ жисмлардан ташкил топганлиги олимллар томонидан аниқланган. Messenger эса сайёра юзасини суратга олади, унинг тузилиши ва таркибини ўрганади.

● АҚШ давлат котиби «Ал-Жазира» телеканални қоралаб чиқди. Унингча, телеканал дунёда рўй берётган воқеаларни дахшатли даражада тасвирлаб кўрсатмоқда ва бу нарса Яқин Шарқда этник можаролар келиб чиқишига катта туртки бериши мумкин.

● Сингапур маъмурияти шу йил 1 августдан эътиборан мамлакатда сотиладиган сигарет қўтиларига чекишнинг «хосияти» ҳақида кишида тасаввур уйғотувчи махсус антиреклама тасвирлари жойлаштирилишини маълум қилди.

● Маълумки, ўтган йили Жануби-шарқий Осиё давлатларида парранда гриппи қаттиқ хуруж қилган эди. Бу йил Вьетнам жанубида яна ўша касаллик тарқалганлигини мамлакат маъмурияти расмий эълон қилди. Касалланган паррандаларда H5N1 штамлари (микрроорганизмлар) борлиги аниқланди. Бу штаммлар инсон ҳаёти учун ўта хавfli бўлиб, ўлимга олиб боради. Шунинг учун парранда гриппи аниқланган ҳудудларда 10 минг товуқ йўқ қилинди.

● Яқин келажақда инсон компасдан фойдаланмай қўйса, ажабмас. Саёхатчиларнинг садоқатли буюсти энди дунё томонларини юз фоиз аниқлик билан кўрсатиб бера олмайди, чунки ер магнит майдони қуввати тобора камайиб бораётир. Тадқиқотлар шуни кўрсатаптики, ўн минг йил мобайнида ўттиз фоизга камайган қувват кейинги 150 йил мобайнида 10-15 фоизга озайд.

● Американинг Kimberly-Clark Corp. компанияси турли вирусларга қарши Kleenex дастурмошчаларини савдога чиқараётганини маълум қилди. Компания ўзининг бу янги маҳсулотларини шомоллаш хасталиқларининг олдини олувчи энг яхши восита сифатида тавсия этмоқда.

Тадбирда иштирок этган «Фидокорлар» миллий демократик партияси Яққасарой туман Кенгашининг биринчи котиби Мирзатилла Мирзараимов, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг туман Кенгаши раиси Толиб Сайфуллаев ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг туман Кенгаши раиси Таймурат Юнусметовлар сўз олиб, сиёсий партияларнинг мақсад-вазифалари, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда олиб борилиши лозим бўлган юмушлар, қатор соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга ечимини кутиб турган муаммолар ҳақида ҳам атрафлича фикр билдирдилар.

Айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Республикада ижтимоий тараққиёт тобора янги босқичга кўтарилиб, фуқаролар ва давлат ўртасида доимий мулоқот олат тусига кириб бормоқда. Ижтимоий ҳаётни фаоллаштириб, ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришнинг кенгрок имкониятлари очилмоқда. Бунга айниқса янги сиёсий куч ва оммавий ҳаракатларнинг юзга келиши катта сабаб бўлмоқда. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ташкил этилиши ҳам мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёни кетаётган айни вақтда юзга келган партия замон талабларига жавоб бериш, халқнинг оғирини енгиб қилиш, ху-

сусан мамлакат иқтисодини кўтариш йўлида ўз ҳиссасини қўшишга интилаётган тадбиркорлар, ишбилармонлар, зиёдиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-

*Сиёсий партиялар ҳаётиндан*  
**ЎЗАРО ФИКРЛАШИБ ОЛИШДИ**

Кўни кеча Яққасарой туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси туман Кенгаши танаббуси билан «Ўзбекистонда иқтисодиётни янада либераллаштириш ва бозор ислоҳотларининг роли ва вазифалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

хуқуқларини ҳимоя қилиш каби қатор устувор мақсад-вазифаларни ўз олдига қўйган ҳолда иш олиб бормоқда.

Эркин фикр-мулоҳазалар билдирилган давра суҳбатидан ҳам ўзаро соф рақобат асосида кенг фаолият юритиш масалалари кўриб чиқилди.

— Эркин тадбиркор — эркин демократик жамият бунёдкоридир, — деди жумладан ўз сўзида Таймурат Юнусметов. — Шундай экан элим, юртим деб ёниб яшаётган инсонларни қўллаб-қувватлашимиз, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишимиз даркор. Бу йўлда тумандаги барча корхона ва ташкилотлар билан бевоқифа иш олиб боришга ҳаракат қилаямиз. Учрашув ва суҳбатлар ўтказмоқдамиз. Аёлларнинг фаолигини ошириш, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, ватан равнақи

йўлида хизмат қиладиган ватанпарвар бўлиб воёга етказишга ҳисса қўшиш, ишсизликнинг негизи ва уни келтириб чиқарувчи асосий омилларни аниқлаб, шунга яраша чораларни кўриш, кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг истиқболдаги режаларилан келиб чиққан ҳолда янги иш ўринларини ташкил этиш, кишилардаги боқимандалик кайфиятини йўқотиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ҳақ-хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда майдонга тушганмиз. Мамлакатимиз жуда катта сиёсий воқеа арафасида турибди. Декабрь ойида бўлиб ўтadиган икки палатали парламентга сайловлар ҳаммининг диққат марказида. Ана шундан келиб чиққан ҳолда айтмоқчиманки, эртага сайланадиган депутат ҳалол, ўз касбининг фидойиси, юрти учун ёниб яшайдиган инсон бўлмоғи керак.

— Мақсадимиз, вазирамиз битта, — деди шунингдек ушбу фикрларини давом эттириб Мирзатилла Мирзараимов. — Юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига ҳисса қўшишдир. Демократик ҳар бир сиёсий партия ўз йўлидан бориб, соф рақобат асосида фаолият юритиши лозим. Пировард натижа эса битта: Мустақил юртинг келажаги, эзу юрт истиқболи учун хизмат қилиш.

Сиёсий партиялар вакиллари ва фаоллар иштирокида бўлиб ўтган ушбу давра суҳбати йиғилганларда итиқ таассурот қолдирди.

Шаҳризола МУҲСИМОВА

*Мақтуб йўлга горлагу*

**ЯХШИЛАРДАН СЎЗ ОЧДИК**

«Ассалому алайкум, «Тошкент оқшоми» таҳририяти ходимлари! Мен газетангиз орқали ўз касбининг заҳматкаши бўлган жафокаш инсонлар, телефон тармоғи ходимлари ҳақида икки оғиз илиқ фикрларни билдирмоқчи эдим. Бугунги кунда телефоннинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс эканлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Узоғимизни яқин қиладиган, ярим дийдор деб ҳисобланган телефон ярим соат ишламай қолса хунобимиз ошиб кетади. Лекин бизга кечакундуз беминнат хизмат қилаётган ушбу «дастёримиз»нинг бевосқон жиринглаб туриши ўз соҳасининг билимдони бўлган инсонларнинг шарофати эканлигини ҳар доим ҳам ёдга олавермаймиз.

Ўзим меҳнат фахрийсиман. Узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилдим. Иқтисод фанлари номзоди, етук олим деган номларга эга бўлиб бутун Республикамиз, хориждан дўстлар орттирдим. Қариллик гаштини суриб, «беминнат» телефон туфайли билан хабарлашиб, ўзаро ҳол-аҳвол сўрашиб тураимиз. Бизга хизмат кўрсатадиган 45-АТС, тизим муҳандиси Мирсолиҳ Аҳмедов бошчилигидаги ўз касбини севувчи жамоа ахлидан жуда миннатдоримиз. Қорли, ёмғирли, иссиқ-совуқ кунларда ҳам бирдек хизмат кўрсатувчи электр-монёрларнинг илиқ муомаласи, кишига эътибори, одоб-ахлоқидан кўнглимиз шод. Илтимос, оиламиз миннатдорчилигини газета орқали билдиришимга ёрдам берсангизлар.



Ақбар НАБИЕВ, Шайхонтоҳур тумани, Тожи Расулов кўчаси, 16-уй.

Биз кўпинча узлуксиз ишлаб, кишиларнинг ҳожатини чиқариб, узоғини яқин билан яқиндан танишишга чорлади.

— Филиалимиз 10.300 та



қилаётган, вақти келса иш унумига ҳам катта ҳисса қўшаётган телефон хизмати ҳақида танқидий фикрларни эшитиб қоламиз. Таҳририятимизга келган илиқ калом эса бизни «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти тасарруфидоги Шайхонтоҳур туманида жойлашган 45-АТС фаолияти

хонадонга намунали хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, — дейди бизни иш жараёни билан таништирар экан тизим муҳандиси Мирсолиҳ Аҳмедов. — Бу албатта бизнинг биринчи галдаги вазирамиздир. Катта тажрибага эга бўлган ходимлар билан ишлаш фаолиятимиз муваффақиятини таъминлайди. Дониёр Фани-

ев, Тоҳир Ибрагимов, Исмоил Каримов, Анна Редава ва бошқа ходимларимиз ўз касбининг яхши мутахассисларидир.

— Кам таъминланган оилаларга имтиёзли хизмат ҳам кўрсатасизларми?

— Дарҳақиқат, иккинчи жаҳон ва афгон уруши қатнашчилари ҳамда ноғиронлари, фронт ортида хизмат кўрсатган фуқаролар, Чернобиль фожеаси қатнашчилари, боқувчиси йўқ кексалар, 1-тоифа меҳнат ва туғма ноғиронлар учун телефон туширишда имтиёзлар белгиланган. Улардан телефон ўрнатилган 20 фоиз ҳақ олинади, теле фон хизматига эса 50 фоиз ҳақ тўлайдилар. Бундан ташқари «Эшонгузар», «Қоратош», «Ўзгариш», «Катта-боғ», «Чорсу», «Сулукота» каби қатор маҳаллаларга хизмат кўрсатиб, ариза ва шикоятларни вақтида ўрганиб чиқиб жойида ҳал қилганимиз сабабли бўлса керак миннатдорчилик сўзлари битилган мактубларни ҳам олиб ту-

рамиз.

— Келгуси режалар ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтинг.

— Режалар катта. Аввало халқимизга яхши хизмат кўрсатиш. Шиддат билан ўзгариш, янгиланишлар бўлаётган замонга мос кадам ташлаб, алоқа сифатини янада яхшилаш, электрон АТСга ўтиш, 2000 та кўшимча янги ракамларни ишга тушириш. Барча режалар «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» АЖ раҳбарияти бошчилигида амалга оширилади. Яна шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, меҳнатинг натижаларини бир оғиз илиқ каломда кўрсанг кўнглинг кўтарилади, яна ҳам яхшироқ ишлагинг, сенга ишонишибдими ўша ишончи оқлагинг келлади. Аҳил жамоамизнинг эзгу нияти ҳам шу: сифатли ва яхши хизмат кўрсатиш.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: 45-АТС иш фаолиятдан намуналар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Инсон юриятаётган ҳўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири доираси ичида энг асосийси тоза сув муаммосидир. Чўнки ер юзидagi сувлар атроф-муҳитнинг энг таъсирчан қисми ҳисобланади. Сув — бу инсониятга табиат томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо неъмат, бойлиги ва инъомидир. Сув ҳаётнинг тўғилишида, об-ҳаво ва иклим ўзгаришида, инсон саломатлигини сақлашда асосий роль ўйнайди. Ҳозирги кундаги бизнинг асосий вазифаларимиздан бири сувни тежаш чоратadbирлари мажмуини амалга ошириш, уни ифлосланишдан сақлаш, исроф бўлиш даражасини энг кам миқдорга келтириш, атроф-муҳитнинг табиий ўзгаришларини ўрганишдан, назорат қилишдан иборатдир. Бу эса экологик мониторинг тизимини ташкил этиш ва унинг ёрдамида атроф-муҳитга минтақавий ва глобал микёсда баҳо бериш имконини беради.

Ер қуррасида сувлар турлича жойлашган. Хусусан, ер ости сувлари ер қаватида жойлашган бўлса, ер устида эса очик юза сувлари мавжуддир. Ер усти сувлари анчагина чуқурликда бўлиб, артезиан сувлари номи билан юртилади. Тошкент шаҳри ҳудудидан сув тўлиб ўтувчи каналлардан Бўзсув, Анҳор, Бўржар, Салор, Корасув, Дамачи, Кайковус, Найман каби каналлар пойтахт микроиклимини сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Бу каналлар шахримизнинг деярли барча туманла-

**Муҳофаза**

**СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ**

Инсон доимо табиат қўйнида фаолият кўрсатади, табиат билан узлуксиз муносабатда бўлади. Ҳўзига нима керак бўлса у барчасини табиатдан олади. Одамзод энг аввало ўзининг меҳнат фаолияти билан атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатади. Бу фаолият оқилона ташкил этилмаса ва табиат билан тўғри муносабат ўрнатилмаса, инсоният ўзи ва табиат учун турли муаммоларни келтириб чиқаради. Булардан бири экологик муаммодир.

ридан оқиб ўтади. Уларнинг сув олиш манбалари эса асосан Чирчиқ дарёси ҳисобланади.

Ушбу каналлар бўйларига жойлашган корхоналар, аҳоли яшайдиган маҳаллалар очик сув манбаларига турлича таъсир ўтказадилар. Улар орасида тоза сув ҳавзаларига чиқинди оқава сув ташлайдиган корхоналар, маҳаллаларда эса оқава сувларини тўғридан тўғри тоза сув манбаларига чиқарадиган хонадонлар ҳам йўқ эмас.

Шу йилнинг апрель ойида шахримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи бир қанча каналлар Тошкент шаҳар табиати муҳофиза қилиш кўмитаси томонидан текшириб кўрилди. Ушбу рейд давомида бир қанча камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Масалан, Биргина Бўржар каналли олайлик. У Бўзсув каналидан сув олиб, Чилонзор ва Яккасарой туманлари ҳудудидан оқиб ўтади. Каналнинг ўнг


қирғоғи Чилонзор туманига, чап қирғоғи эса Яккасарой туманига қарашли. Унинг икки қирғоғи бўйлаб корхоналар, маҳаллалар, хусусий хонадонлар жойлашган. Ушбу хонадонларнинг ошхоналари, ҳаммомлари, ҳожатхоналари, молхоналаридан чиқадиган қўйлаб чиқиндилар тўғридан тўғри шу каналга ташланади. Бундай ҳол бошқа каналлар бўйича ўтказилган назорат чоғида ҳам учради.

Ҳозирги куннинг долзарб муҳим муаммоларидан бири, бу — очик сув ҳавзаларида сув муҳофиза зонасини белгилаш, каналлар ва қирғоқларда жойлашган корхона ва хонадонлардан чиқадиган чиқинди оқава сув манбаларини йўқотиш, очик сув ҳавзаларимизда оқаётган зилот сувларнинг софлигини сақлашдан иборатдир. Бу фикримизни Чилонзор туманидаги «Чилонзор» буюм бозори ёнидан оқиб ўтувчи Конкус каналига таққосласак, бир

қатор қарама-қаршилиқларга дуч келамиз. Канал қирғоқлари ифлос. Унинг теварагида жойлашган умумий оқватланиш шохобчалари чиқинди оқаваларни шу сувга ташлашади. Улар бу қилмишлари билан сувни нақадар ифлослантираётганликларини ўйлашмайди. Ваҳоланки, ёзнинг жазирама кунларида ёш болалар шу каналда қўмилишади. Шунингдек, Зангиота туманининг Эркин маҳалласига туташ бўлган жойда қад ростлаётган янги маҳалла аҳолиси ҳам шу ариқ сувидан фойдаланади. Янги маҳалланинг баъзи кўчаларида сув танқислиги сабабли бу ерда истикомат қилувчи аҳоли ичимлик сифатида ҳам шу сувдан фойдаланади.

Бир суз билан айтадиган оқава сувлар бизнинг бойликимиз. Уларни ифлослантирмаслик учун барчамиз иш-ишларимизни чикариб курашишимиз керак. Бекорга ҳам ота-боболаримиз қадим-қадим замонлардан бошлаб табиатга оқилона муносабатда бўлишмаган. Улар нафақат қудуқ суви, балки ариқ ва дарё сувларини ҳам мукаддас билишган. Улардан тежаб-тергаб фойдаланишган. Ифлосланишига мутлақо йўл қўйишмаган. Зеро, бугун биз ҳам сувни эъозлаб қадрласак, уни тоза сақлаш чораларини кўрсак, келгуси авлодларга табиатимиз гўзалликларини кам-кўйсиз етказишга ҳаракат қилсак ҳаётимизнинг гўзал, обод ва фаровон бўлишига кўмаклашган бўламиз.

Д.СУЛТОНОВА



Акмал Икромов туманида 2004 йилнинг ярим йилида қуйидаги корхоналарнинг атроф-муҳитни муҳофиза қилиш фаолияти текширилди ҳамда табиати муҳофиза қилиш қонунларининг бажарилишида баъзи нуқсонларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

**Туманларда**

**ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР**

Атроф - табиий муҳитни муҳофиза қилиш қонунининг 11, 13 ва 41-моддаларига зид равишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91, 96, 24, 25-моддаларига асосан корхона раҳбарлари экологик талабларни бажармагани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Атроф-муҳитни муҳофиза қилиш қонунининг 41-моддасида корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш улардан фойдаланиш ва тутатишга доир экологик талаблар ҳақида тушунча берилган.

Шунга кўра, корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускулнаш, улардан фойдаланиш ва тутатиш чоғида экологик хавфсизлик талаблари бажарилоғи, табиати муҳофиза қилиш чора-тадбирлари кўрилоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чиқитиш ва камчиқитиш технологияларини жорий этишлари, ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни зарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, кўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Фаолияти атроф табиий-му-

ҳитга анча зарарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган йирлик халқ ҳўжалик объектларини ри-вожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертизаси ҳулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади. Экология талабларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга топшириш ман этилади.

Атроф табиий-муҳитни муҳофиза қилиш қонунларини бузган корхона раҳбарлари ёки фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Акмал Икромов туманида 2004 йилнинг ўтган 6 оyi мо-байнида 10 та корхона текширилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91, 96, 74-моддаларини бажармаганилиги аниқланди.

Тумандаги «Нур-АРТ» корхонаси текширилганда артезиан қудуғи учун сувдан махсус фойдаланиш рухсатнома муддати тугаганилиги маълум бўлди. Шунинг учун корхона раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди.

«Зафар-И-Хаскова» шўъба корхонасида маиший чиқиндилар утиллаштирилмаган. «ШЛ ва -Р» хусусий фирмасида ҳам маиший чиқиндилар ўз вак-

тида олиб чиқиб кетилмаган. «Фарҳод» деҳқон бозорига маиший чиқиндилар қолдиги ёқилган. «ГФОМАКС» акционерлик жамиятида маиший чиқиндилар утиллаштирилмаган.

«Хисоблаш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш» жамоа корхонаси текширилганда қудуғи ёритиш лампаларининг яроқсизлиги аниқланди. «ЛМДС» хусусий фирмасида ҳам яроқсиз лампалар зарарсизлантирилмаган.

Оқорида кўрсатилган камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 91-моддасига асосан рўзгор чиқиндиларини утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиати муҳофиза қилиш талабларини бузганилиги учун жарима солинди.

«Темрич-дунё» МЧЖ, «Роби-Р.Р.Р.», «Уста-Тоҳир», «LAV-ANVAR» хусусий фирмаларини текшириш жараёнида, бу корхоналар ишлаб чиқариш учун давлат экологик экспертиза ҳулосасиз иш юриятганлиги аниқланди. Бунинг учун корхона раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 96-моддаси қўлланиб, уларга ҳам тегишли миқдорда жарима солинди.

М.УМАРОВ, И.АКРОМОВ тумани ноziри.



№ 7(147) Тошкент шаҳар табиати муҳофиза қилиш кўмитасининг саҳифаси

**Жаримачилар**

**ХўЖАСИЗЛИККА ЙўЛ ҚўЙИШДИ**

Тошкент шаҳар табиати муҳофиза қилиш кўмитаси нозирлари тез-тез жойларда бўлишиб, у ерларда табиатга нисбатан хўжасизларча йўл қўяётган шахсларни аниқлашиб, уларга қилмишларига яраша турли миқдорда жарималар солишади. Қуйида ана шундай жаримачилардан бир нечтаси билан танишасиз.

• Нозирлар Чилонзор туманидаги «Ўздаббиркор банк» ҳудудида бўлганларда бу жойда рухсатсиз дарахт кесилганлигини аниқлашди. Бу ҳолатга ўзбошимчалик билан йўл қўйган банк нозир Н.Тўлағанова нисбатан 16320 сўм миқдорда жарима солинди.

• Миробод туманидаги «BRUZI» корхонаси раҳбари А.Сайфуллаев давлат экологик экспертизаси ҳулосасини олмай иш

юритганлиги учун 11000 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

• 406-МКМП корхонаси Собир Раҳимов туманида жойлашган. Корхонада автотранспорт воситаларидан чиқадиган ифлослантириш моддалар миқдорини текшириш ишлари олиб борилмаган. Бу ҳолатга йўл қўйган бош механик А.Детлов 11000 сўмлик жаримга тортилди.

• Назоратчилар Ҳамза туманида жойлашган «Бону коммунал сервис» корхонаси ҳудудида рухсатсиз дарахт кесилганлигини аниқлашди. Бундай ўзбошимчаликка корхона раҳбари Б.Усаров ҳаменига 16000 сўм миқдорда зарар келтирди.

• Уриқзор кўчасининг 19-уйида истикомат қилувчи фуқаро Ш.Йўлдошев ҳам шу ҳудудда қад кўтарган дарахтни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаган. Унинг бу қилмиши ҳаменига 5440 сўм миқдорда зарар келтирди.

• «Фонон-3» корхонасида рўзгор чиқиндилари ўз вақтида олиб чиқиб кетилмаган ва зарарсизлантирилмаган. Бу ҳолат учун корхона бўлим бошлиғи З.Мухамедов 6000 сўм миқдорда жарима тўлади.

• «Оникс» акциядорлик жамиятида таркибда симоб бўлган ишга ярамайдиган люминисцент лампалар жуда ҳам кўп йиғилиб қолган, бу эса чиқиндиларни утиллаштириш қоидалари бузилганлигига яққол мисолдир.

Атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар миқдорини камайтириш, сув захираларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни тўғри утиллаштириш учун ташкилотлар ҳар йил бошида бажариладиган иш режасини тўзиб, уни табиати муҳофиза қилиш кўмитаси томонидан тасдиқланадиган бўлиши ва бу ҳақда йил давомида ҳар чоракда маълумот бериб келадилар.

Юқорида айтиб ўтилган қонунлар, раҳбарий ҳужжатларнинг бажарилишини яхши таъминласак, табиати муҳофиза қилиш олдидаги кичик бурчимизни адо этган бўламиз.

**Мекириқулар**

**КАМЧИЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ**

Табиати муҳофиза қилиш, бу — сувдан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофиза қилиш, атмосфера ҳавосининг тозаланиши асраш, ҳосил бўладиган чиқиндиларни тўғри утиллаштириш чораларини ўз вақтида кўришдан иборат.

Ҳозирги кунда юқорида кўрсатилган масалалар бўйича қонунлар, меъёрий лойиҳалар ишлаб чиқилган. Шунингдек, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида корхона ва муассасалар томонидан меъёрий лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиб юзасидан керакли ишлар олиб боришмоқда.

Собир Раҳимов туманида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарида «Атмосфера ҳавосини муҳофиза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши юзасидан 105 та ифлослантирувчи моддалар меъёрий лойиҳаси ҳужжати ишлаб чиқилган. Бу ҳужжат беш йил муддатга берилиб, шу йиллар мобайнида корхоналар атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш, унга зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда камайтириш юзасидан чора-тадбирлар олиб борадилар. 1993 йил 6 майда қабул

қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш» тўғрисидаги қонуннинг асосий вазифаси эса сув-бир Раҳимов туманида бундай ташкилотлар сони 40 та. Ўзбекистон Республикаси олиб борилмоқда. Жумладан, «Оникс» акциядорлик жамиятида таркибда симоб бўлган ишга ярамайдиган люминисцент лампалар жуда ҳам кўп йиғилиб қолган, бу эса чиқиндиларни утиллаштириш қоидалари бузилганлигига яққол мисолдир.

Атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар миқдорини камайтириш, сув захираларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни тўғри утиллаштириш учун ташкилотлар ҳар йил бошида бажариладиган иш режасини тўзиб, уни табиати муҳофиза қилиш кўмитаси томонидан тасдиқланадиган бўлиши ва бу ҳақда йил давомида ҳар чоракда маълумот бериб келадилар.

Юқорида айтиб ўтилган қонунлар, раҳбарий ҳужжатларнинг бажарилишини яхши таъминласак, табиати муҳофиза қилиш олдидаги кичик бурчимизни адо этган бўламиз.

А.МИРЗАКОСИМОВ, давлат ноziри.

**МОНИТОРИНГ ДАСТУРИ — АМАЛДА**

Барча йирик шаҳарларнинг асосий муаммоларидан бири, бу — оқава сувларни тозалаш ва тазаланган сувни очик сув ҳавзаларига чекланган меъёр даражасидан оширмай ташлашдан иборатдир. Тошкент шаҳрида «Сувсоз» трестига қарашли 3 та йирик сув тозалаш иншоотлари мавжуд бўлиб, суткасига 2 миллион куб метр сувни тозалашга қодир.

Республикамиздаги сув тозалаш иншоотларидан энг йириги Салор азрация иншооти бўлиб, у шаҳар оқава сувларининг ярмидан ортингини тозалаш Салор каналига ташлайди. Тозаланган сув чекланган меъёрдан ошиб кетмаслиги Тошкент шаҳар табиати муҳофиза қилиш кўмитаси томонидан назоратга олинган. Лаборатория нозирлари эса ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофиза қилиш давлат кўмитасининг 2001 йилда қабул қилган 09-1001-сонли қарорининг «Мониторинг дастури» бўйича тозаланган сув сифатини аниқлаш мақсадида намуналар олиб таҳлил қилиб туришади.

аҳоли томонидан ташланаётган маиший ва бошқа йирик чиқиндилар қўйимча қўл меҳнати-ни талаб этмоқда.

Корхонанинг баъзи қийинчиликларига қарамай мутахассислар қўлидан келганича ҳаракат қилиб иншоотнинг тўлиқ қувват билан ишлашини таъминламоқдалар.

Шу муаммоларни инобатга олган ҳолда нафақат шахримиз аҳолисини, балки sanoat корхоналарининг раҳбарларини сувдан оқилона фойдаланиш, оқава сувларга ва очик ҳавзаларга маиший чиқиндиларни ташламасликларини сўраб қолардик. Фақат шундагина, шахримиз сувларининг мусофоллигига ва тозаллигига эришишимиз мумкин.

Д.САЙДАЛИЕВ, кўмита лабораторияси бошлиғи.

**ЖОНЛИ МЕТЕОРОЛОГЛАР**

- Ёмғирдан олдин балиқ қармоққа илинмайди.
- Агар очик ҳавода балиқ қармоққа илинмаса, бу кўп ўтмай об-ҳаво ўзгариб, ёмғир ёғишининг белгиси бўлади.
- Ёмғирдан олдин сигирнинг сути камаяди.
- Мушқ сувга тез-тез интилса ёки сувни одатдагидан кам ичса, ёмғирчилик бўлади.
- Агар товуқ баланд жойга қўноқласа, тез орада ёмғир ёғади.
- Ёмғирчилик олтидан товуқлар қумга ағанаб,

- канотини қоқаверади.
- Агар мол кечга томон ўтти ошириб-тошириб кўп ичса, эртасига ёмғирни кутавринг.
- Ёмғирчилик олтидан мол яхши сув ичмайди, кундузи ўтлашдан ётаверади.
- Ит оёқларини бағрига олиб ётса кун изғиринли, керилиб ётса илик бўлади.
- Ҳўроз кечқурун кўп қичқирса, об-ҳаво ўзгаради.
- Узоқ ёмғир ёғиб турганда тўғрайлар тинимсиз сайраса, кўп ўтмай ҳаво яхши бўлади.

**Ҳайвонот дунёси**

**ТУНГИ ПАРРАНДА**

Бойкуш тунги парранда бўлиб, у асосан кечаси ов қилади. Бу қушни халқимиз ҳар хил ном — бойўғли, уқки, ҳаққуш, бойкуш деб ҳам аташади. У япалоққушлар оиласига мансуб бўлиб, Ўзбекистонда олти турли учрайди. Уларнинг энг йирик вақили уқки ҳисобланади.

Бойкуш баҳор ойида ўлка-мизга учиб келиб, тун тушиши билан сайраб бошлайди. Унинг «хақ-ку-хақ-ку» дея сайрайдиган овози қоронғу кеча соқинлигига аниқ-тиник эшитилади. Бойкуш фақат кечаси учиб, кундугида ўқлаб ётади. Олимларнинг аниқлашларича, унинг кўзига қуёш нури қучли таъсир қилар экан. Шунинг учун бойкуш кечаси тунги кемирувчилар индан чиқадиган пайтда овга киришади. У қоронғуда ўз ўлжасини жуда аниқ мўлжалга олади.

Маълумки, кемирувчи ва судралувчилар кўпроқ вайроналарда бўлади, шу сабабдан бойкуш қўлинча харобаларда, хилват жойларда ва қабристонларда ов қилади. Унинг ана шу ҳаёт тарзини баъзи тушунмаган кишилар, диндорлар ёмонликка йўйиб, бойкушни ҳосиятсиз парранда ҳисоблашган. Шунингдек, унинг тун соқинлигига безовталангандек овоз бериши кишиларга дилгирлик келтирган. Аслида бундай эмас. Йиларига пайтларда одамлар йирик уқкиларни галла омборларида сақлашган, улар каламуш ва сичқонларга қирон келтирган.

**Табиат шайқолари**

**УМР ЗОЕ КЕТМАСИН**

Ҳаётда бутун умрини боғбонликка бахшида этган одамлар кўплаб топилди. Улар табиати чин дилдан севадилар. Бўш қолишлари билан турли дарахт ва гул қўчатларини экиш ва уларни парваришlash билан машғул бўладилар...

Убай чолни ҳаммиса шу боғдан дарахтлар орасидан топасиз. У ҳар йили янги-янги серхосил ниҳоллар экиб, уларни парваришlashдан қарчмайди. Боғда турли ниҳоллар етиштириб, одамларга беҳимнат улашади. — Уларнинг ҳосилини мен емасам, бошқалар ёйди. Дудга гап қил. Ахир бекорга ҳам машойиқлар «олтин олма, дуо ол» демаганлар-ку, — дейди.

Убай чол мени кўргач, шу томон юрди. — Э, бормисиз биродар. Сизни кўрадиган қўн ҳам бор экан-ку. Омонлашдик. — Сизни ишдан қўймадимми, ишқилиб. — Иш ўз йўлига. Меҳмон отадек улўғ, азизим. Хуш келибсиз, нечқ шамол учирди? — Сизнинг шамолингиз. Қулишдик. Кейин мақсадга ўтдим. — Бир юмуш билан келувдим. — Буюрсинлар, азизим. Қўлимиздан келадиган хизмат бўлса, бош устига. — Шу денг, ҳовлимизга бир тул шотут эжмоқчи ният қилган эдик. Шунга...

— Жуда соз. Шотутнинг серхосил навидан бор. Дарахт эккан одам кам бўлмайди биродар. Бутун умр бўйи бир тул ниҳол экиб, ўстирмайдиган одамлар ачинаман. Эсиз зое кетган умр дейман. — Убай чол билан анча гурунлашган, охирида у икки тул шотут ниҳолини қўлимга тутқазди. — Ҳамма нарсанинг жуфт бўлгани яхши. Бир тул ниҳолга топишган жой, иккинчисига ҳам топилиб қолар.

Ота билан хайрлашиб йўлда борарканман, унинг «умр бўйи бир тул ниҳол экиб ўстирмаган одамга ачинаман» деган сўзларини эсламан. Кейин ҳовлимиздаги дарахтларни кўз олдимга келтириб «Хайрият умрини зое кетмабди», деб қўяман.

М.ОРИПОВ

## Шарқ дурдоналари



● Бир мўтабар одамдан: — Айтинчи, сизнинг қанча дўстингиз бор? — деб сўрадилар. У айтди:

— Ҳозир бахт-иқболим камолга эришган. Мону давлатимнинг ошган замонидир. Дўстларим ҳам жуда кўп, қанча дўстим борлигини ҳозирча айтмайман. Ким билади, мабодо бахт-иқбол мендан юз ўгириб, муҳтожликда қолсам, у чоғда қанча дўстим борлигини сизларга айтиб бераман, ўша вақтда қолган самимий дўстларимни сизларга номма-ном айтиб беришим мумкин бўлади.

## Байт:

**Ҳамма ёринг эрурлар неъматингда, Ҳамма ходим эрурлар давлатингда, Агар давлат кетар, сендан қочарлар, Зиёнлар эшигин сенга очарлар.**

● Пасткаш таъмагирилдан кўра жазони афзал қур, чунки жазо бир марта, таъмагирик эса умрбод дилни сиёҳ қилади. ХИКОЯТ. Кунлардан бир кунги бир киши ўралиб, муҳрланган бир халтачани дўстининг хузурига келтириб:

— Дўстим, мен сафарга чиқиб кетаётиман. Ичнда минг олтин бўлган шу халтачани сенга омонатга топшираман, сафардан қайтиб келганимдан сўнг оламан, — деб халтачани топширди ва ўша кунги сафарга чиқиб кетди. Сафари узок вақтга чўзилди.

Дўсти омонатга хиёнат қилиб, халтачанинг бир томони-ни сўқди, олтинларни олиб тангалар билан тўлғади, сўқилган жойини ҳеч ким билмайдиган қилиб тикиб қўйди.

Орадан 10 йил ўтгандан кейин омонат эгаси сафардан қайтиб келиб, дўстидан қўйган омонатини талаб қилди. Дўсти халтачани чиқариб берди, омонат эгаси халтачани очиб тангаларни кўрғач, хайрон бўлиб дўстидан:

— Халтача ичдаги олтинларим қани? Нега тангалар билан алмаштирилган? — деб сўраганди, дўсти инкор қилиб:

— Халтачанга нима солиб қўйган бўлсанг шундай турбиди, қараб кўр, босган муҳринг ҳам бўзилмаган, тагин нима даъво қиласан? — деди.

Омонат эгаси халтачани олиб шаҳар қозисининг хузурига бориб воқеани баён қилди. Қози жуда ақли ва тadbирли одам эди. У дарҳол хиёнатчи дўстни чиқариб олиб, омонат эгасининг шикоятини айтди. Хиёнатчи дўст инкор этишда давом этди.

— Омонат қўйганингда неча йил бўлди? — деб сўраган эди, у киши омонат қилиб топширганига ўн йил бўлганини айтди. Қози ҳамма тангаларнинг босилган йилларига кўз ташлади. Тангалар босилганига 2-3 йилдан ортиқ бўлмаган эди. Қози хиёнатчи дўстга тангаларнинг босилган йилларини кўрсатган эди, у шарманда бўлиб, қилган айбига иқдор бўлишга мажбур бўлди. Тадбирли, фаросатли қози олтинларни хиёнатчидан олиб, эгасига топширди.

Қозининг буйруғи билан хиёнатчи дўстни эшакка тескари миндирдилар. «Омонатга хиёнат қилган кишининг жазоси шундай бўлади», деб қичқириб шаҳар кўча ва бозорларни айлангирдилар.

## Байт:

**Ёлгон бевиқор қилур одамни, Ёлгон шармисор қилур одамни.**

## Болалар уюшани

**ВАТАН** — гулшан. Бола бир гулгунча. Гунчани парвариш этиш учун меҳр керак, қуёш нури керак. Гунча қуёшдан нур эмиб кўкка, юксакликка интилади, бора-бора вояга етади. Гунчанинг гул бўлиб очилишида офтоб қанчалик керак бўлса, боланинг тарбияланиб балоғатга етишида руҳий-маънавий неъмат шунчалик зарурдир.

Биз бу неъматларни китоблардан, бадий асарлардан оламиз. Халқ таъбири билан айтганда бола ўқиб, яхшилардан ибрат олиб одам бўлади. Айниқса, бадий асарларни кўп ўқиш боланинг маънавий дунёсини бойтади. Улуғ форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий «Китобдан яхши дўст йўқ», деганди. Китоб билан дўстлашган, бадий асар билан ошно бўлган боладан келгусида албатта яхши инсон чиқади. Чунки ҳар бир асар боланинг қулфи дилини очади. Бола асардан эстетик фикрлашни, гўзаллиқни ҳис қилишни, яхши билан ёмонни фарқ қилишни ўрганиб боради. Ҳаётий ҳодисалардан тўғри хулосалар чиқаради. Чунончи, Ҳоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий каби буюк шахслар ҳақидаги бадий асарларни ўқиган ёшлар, ўшандай улуғ аждодлари борлигидан фахрланадилар, уларга тақлид қиладилар.

«Тошкент оқшоми» газетаси тахририяти масаланинг ана шу муҳим томонини инобатга олиб, бугундан эътиборан «Болалар гулшани» деган янги рўкн очди. Унда болалар адабиётидан намуналар бериб борилади.

## БАХШИ БОБО — ЯХШИ БОБО

Шеърый эртак

I  
Бўстон қишлоқ — боғ қишлоқ,  
Гир атрофи тор қишлоқ.  
Тогдан сакрар шалола,  
Суви тиник, зилола.  
Охулари қора кўз,  
Одамлари ширин сўз.  
Ўғлонлари мард, жасур,  
Шўх қизлари гўё хур.  
Жуда ширин ҳолваси,  
Бунда яшар Бобо Нор,  
Соч-соқоли мисли қор.  
Хикматлидир сўзлари,  
Бироқ хира кўзлари.  
Юздан ошгандир ёши,  
Кўпни кўргандир боши.  
Қўлга олса созини,  
Чиқариб овозини.  
Алдомишни кўйлайди,  
Мардлигини сўзлайди.  
Элга дoston қилади,  
Дилни бўстон қилади.  
Гуруғлини васф этар,  
Дарёдай тошиб кетар.

## II

Қадим ўтган замонда,

Жамбил деган томонда.  
Яшар Гуруғли султон,  
Юртим этди гулистон.  
Ёвлари сари от сурди,  
Муҳташам давлат қурди.  
Барчага бирдай боқди,  
Гўёки қуёш балқди.  
Лекин фарзанд кўрмади,  
Бундан хафа бўлмади.  
Авазни фарзанд этди,  
Жонига пайванд этди.  
Аваз ўсди чинордай,  
Бўйи-баста минордай.  
Ботир, ўқтам, пахлавон,  
Кўкси ёвларга қалқон.

## III

Бир кун чўл томондан,  
Қамишли кўл томондан,  
Чиқиб уч бошли илон,  
Элга келтирди қирон.  
Оғзидан олов сочиб,  
Шаҳар сари йўл очиб.  
Юртларни вайрон этиб,  
Юрган йўлин қон этиб.  
Жамбил\* сари келарди,  
Бўрондайин еларди.  
Аждарҳо-ла кетма-кет,  
Писиб юриб кентма-кент.  
Келарди катта лашкар,  
Қозонмоқ бўлиб зафар.  
Элдан дуолар олиб,



Аждар томон йўл олиб,  
Аваз жангга отланди,  
Бургутдай қанотланди.  
Кеча-кундуз

жанг қилди,

Аждар холин танг қилди.

Кўшин билан олишди,  
Гўёки шер солишди.  
Кўриб Аваз шиддатин,  
Ботирлигин, хиддатин\*.  
Лашкар беролмади тоб,  
Аҳволи бўлди хароб.  
Қочгани омон қолди,

Ранглари сомон қолди.

## IV

Бобонинг ҳар достони,  
Ёшларнинг тани-жони.  
Эшитиб завқ олурлар,  
Мамнун бўлиб қолурлар.  
Вақт топсангиз Бўстонга,  
Атрофи Гулистонга.  
Келиб эшитинг дoston,  
Бўлурсиз жуда шодон.  
**Туроб АКБАРХЎЖАЕВ**  
\* жамбил — шаҳар  
\* хиддат — тезлик,  
ўткирлик, кескинлик,  
қаҳр-ғазаб.

## Қўрғазмалар

## ТАБИАТ ОҲАНГЛАРИ

Мамлакатимиз тасвирий санъат усталарининг кўп қисмини ёш rassomлар ташкил этади. Бадий академия Ижодкорлар уюшмаси томонидан турли саналарга бағишлаб жорий гуруҳли қўрғазмалар ўтказиш билан бир қаторда алоҳида бир rassom ижодий йўлини тўлиқ намоён этувчи қўрғазмаларни ташкил этиш ҳам яхши анъанага айланган.

Rassomнинг кўп йиллик ижодининг дастлабки сарҳисоби эса 50 ёшида юбилей қўрғазма сифатида нишонланади. Бундай имконият ўз услубини топиб самарали ижод қилишга эришаётган ижодкоргагина насиб этади.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий қўрғазмалар залида очилган, таниқли rassom Ҳайдар Санасвининг «Табиат оҳанглари» номли шахсий қўрғазмаси шундай талбирларнинг навбатдагиси бўлди. Унда муаллифининг 72 та энг сара рангтавир асарлари намоёний этилмоқда. Ижод намуналарининг аксарияти Ўзбекистоннинг дилтортар, гўзал манзараларига бағишланган бўлиб, уста мўйқалам соҳибининг нозик дил, ижодий қобилиятининг турли қирраларини намоён қилади. Шундай лирик, нафосатли кўриниши, нозик ранглар уйғунлигида зийнатланган асарлар қаторида «Ўрик пишганда», «Хива ҳовлиси», «Полизда», «Хумсон», «Баҳор», «Оқшом», «Ойна кўл», «Ой тўлганда», «Нурота тоғларида», «Бурчмулла кўчалари», «Олмалар пишганда», «Ойдин кечалда» номли рангтавирлар алоҳида ажралиб туради.

Х.Санасвининг портрет жанридаги асарлари ҳам ўзига хос бўлиб, улар миниатюра рангтавир санъати анъаналари, услублари ҳамда замонавий тасвир йўналиши тамойиллари билан уйғунлашиб кетган. Шундай тарихий таниқли алома шахслар сиймосини гавдалантирган ижод намуналари сирасига «Аҳмад Ясавий

портрети», «Ибн Сино», «Баҳоуддин Нақшбандий портрети» каби-ларни киритиш мумкин. Замондошлар қиёфаси акс эттирилган рангтавирлар орасида эса «Абдурахмон полвон портрети» энг қизиқарили ва эътиборга сазовордир.

Мусаввир натюрморتلарга ҳам тез-тез мурожаат этиб туради. Гуллар, сабзавотлар, мевалар ва маший уй жиҳозларидан тўзилган композицияларни бир мавзуга келтириб тасвирлайди. «Куз саховати», «Қадимий кўзалар» шундай натюрморتلар сирасига кирди.

Ижодкор ўзининг руҳий кечинмаларини тимсолий рамزلарга йўғрилган асарларда жуда яхши акс эттирди. Уларга мисол қилиб «Хотира», «Лайлақлар қайтди», «Интизорлик», «Дабусия қалъаси», «Ҳаёт йўли» кабиларни кўрсатиш мумкин.

Қўрғазманинг очилиш маросимида сўзлаган санъатшунос Шухрат Рашидов, академик rassomлар Раҳим Аҳмедов, Владимир Бурмакин, Акмал Икромжонов ва бошқалар ижодкор ўз фаолияти давомида самарали натижаларга эришганини таъкидлаб ўтдилар. Мусаввир Ҳайдар Санасв юксак бадий савиядаги бир туркум асарлари учун Ўзбекистон Бадий академиясининг дипломи билан тақдирланди.

Баҳром ТОЖИЕВ,

Ўзбекистон

Бадий академияси

Ижодкорлар уюшмасининг

аъзоси

I август бўлғуси талабалар ҳаётида энг ҳаяжонли саналардан бири ҳисобланади. Сабаби, айнан ўша кунги улар илк бора катта синовдан ўтади. Юракларини ҳаяжон ва хавотирга тўлдирган бу кун шу зайдла ҳар йили шундай тақдорланаверади. Бу галги ўқув йили учун ҳам олий ўқув юртларига ҳужжатлар қабул қилиниб бўлди. Энди навбат I август тест синовларини кутини ва пухта тайёрликни давом эттиришдан иборат.

## ҚАБУЛ ТУГАДИ, НАВБАТ СИНОВГА

Маълумки, олий ўқув юртларига қабул имтиҳонлари илк мартаба 1992 йили тест синовлари асосида ўтказилган эди. Мутахассисларнинг фикрича, тест мамлакатимизда олий ва ўрта махсус ўқув тизимда амалга ошириляётган ислохотлар маҳсулидир. Тест синовлари бир кунда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида таълим муассасаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда Давлат тест маркази томонидан ҳолис тарзда ўтказилади.

Давлат тест маркази вакилларининг таъкидлашларича, 2004-2005 ўқув йилида юртимиздаги саксонга яқин олий ўқув юртларига 51 минг 175 нафар талабани бакалавриятга ўқишга қабул қилиш режалаштирилган. Сўнгги маълумотларга кўра, бу йил мавжуд олий ўқув юртларига 230 минг абитуриент ҳужжат топширган.

Талабалик бахтига муяссар бўлган йилит-қизларнинг 19 минг 975 нафар давлат грантлари асосида таълим олиш имкониятига эга бўлишса, 31 минг 200 нафар талаба тўлов шартномаси асосида қабул қилинади. Шунингдек, бакалаврлик даражасига эга бўлган талабаларнинг 5 минг 400 нафар янги ўқув йилида магистратуралда ўқишни давом эттирдилар. Бу йил 5 минг ўрин махсус сиртки бўлимга ажратилган.

Бугунгача республика бўйича I минг 200 нафар давлат тест марказининг вакиллари учун махсус ўқув машғулотлари ташкил этилиб, улар тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом билан таништирилди. Айни пайтда республика бўйича 16 минг нафардан ортиқ аудитория раҳбарлари ва назоратчилари I августда ўтказилажак тест синовларига шай туришибди.

«Туркстон-пресс»

*Муффа олам*

**ЖОНИНИНГ  
ХУЗУРИНИ  
БИЛАДИ**

РИМ. Апеннин ярим оро-  
лининг жанубидаги Фоджа  
шаҳрига чигирткалар  
«хужум» қилди. Минглаб  
ҳашаротлар шаҳар кўприкларидан  
тортиб, дам олиш хи-  
бонларигача мўр-малахдай  
ёпирилиши. Ярим оролга чи-  
гирткаларнинг оммавий  
«хужуми» июнь ойининг да-  
стлабки кунларидан бошлан-  
ган эди. Олимларнинг фикри-  
ча бундай ҳолат иқлимнинг  
кескин ўзгариши, яъни  
қаттиқ иссиқ бўлиши оқибат-  
ида содир бўлаётир. Мана  
бир неча ҳафтадирки, ҳаро-  
рат 40 даражадан юқори  
бўлиб турибди. Куруқчилик ва  
юқори ҳарорат бу ҳашарот-  
ларнинг ўз маконларини  
ўзгартириб, қанчалар хавфли  
бўлмасин, салқинроқ жой-  
ларга қўчиб ўтишга мажбур  
қилмоқда. Ажабо, жонининг  
хузурини ўйлашга чигиртка-  
ларнинг ҳам «ақли» етаркан.

**КИНО  
КИТОБДАН  
АФЗАЛМИ?**

ВАШИНГТОН. АҚШнинг  
ярмидан кўп аҳолиси бадиий  
адабиёт ўқймайди. Буни «му-  
толаа хавф остида» - деб  
номланган ҳисоботдаги маъ-  
лумотлар тасдиқлади. Ушбу  
ҳисобот АҚШнинг рўйхатга  
олиш бюроси томонидан  
тайёрланган эди. Бюро раҳба-  
ри Дэна Джиол афеус билан  
таъкидладики, китоб ўқишга  
бўлган қизиқишнинг пасай-  
иши асосан ёшлар ўртасида  
тез суръатлар билан сўниб  
бормоқда. Унинг сўзларига  
қараганда, америкалик-  
ларнинг кўпчилиги китобдан  
кўра телевидение, радио,  
кино ва интернетни афзал  
қўришар экан.

**ИГИТЧАНИНГ  
НОЁБ ОЛМОСИ**

НАЙРОБИ. Гвинеянинг  
жануби шарқда олмос қиди-  
рувчи ёш иигитча оғирлиги  
128 карат келадиган аъло со-  
фатли каттагина олмос то-  
пишга муваффақ бўлди. Қим-  
матбаҳо бу олмоснинг узун-  
лиги 10 см. бўлиб, кўриниши  
худди компьютер «сичқонча-  
сига» ўхшайди.

Мазкур ноёб тош олдин  
шу жойдан топилган вазни  
45,52 карат бўлган «Умид»  
номли олмосдан қарийб  
тўрт баробар каттадир. Худо  
бераман деса, бераверар  
экан-да.

Улуғой ДОЛИЕВА



*Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*  
**«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ  
БИРЖА МАРКАЗИ»**

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади  
БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:**

- Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи – 750 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 939 110 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлаш-

- ган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми; бошланғич нархи – 2 540 396 сўм;
- Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уй жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи – 48 648 225 сўм;
- Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5

- кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи – 5 775 000 сўм;
- «Руслан Шамшад» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:  
— Станок СМЖ-357. Бошланғич нархи – 1 400 221 сўм,  
— 1Г 340 П.револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи – 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) худудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Хар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинда соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.  
Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.  
www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ХУЗУРИДАГИ  
«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

2004 йилнинг 27,31 август ва 3,7,10,14,17,21,24,28 сентябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказди.  
Савдоларга Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Махжунтол маҳалласи, 115-уйда жойлашган, «Ар-Пардоз» АЖга қарашли икки қаватли шифохона биноси, биринчи қават майдони 540 кв.м., иккинчи қават майдони 178 кв.м., бўлган 79,94 000 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.  
Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.  
Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдоридagi закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг «Узўйжойжамгармабан» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.  
Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси томонидан 2004 йил 2 июль кунини ўтказилган танлов савдосида  
Ҳамза тумани, Ҳў кўчасида жойлашган 11-сонли болалар боғчаси 8 000 000 сўмга сотилди;  
9 июль кунини ўтказилган аукцион савдоларида: Тошкент шаҳри худудида жойлашган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилди: Сергели тумани, Янги Сергели кўчасида, чойхона, қаҳвахона, ресторан қуриш учун, сатҳи 0,12га—10 000 000 сўмга; махсуслаштирилган иш-шоҳа қуриш учун, сатҳи 0,10га—8 500 000 сўмга; офис қуриш учун, сатҳи 0,12га—9 500 000 сўмга;  
—Собир Раҳимов, тумани Юнусов кўчасида икки қаватли қаҳвахона қуриш учун, сатҳи 0,06га—4 950 000 сўмга;  
—Шайхонтоҳур тумани, Уйғур кўчаси Янги шаҳар маҳалласида ишлаб чиқариш корхонаси қуриш учун, сатҳи 0,16га—12 500 000 сўмга;  
Қуйидаги автотранспорт воситалари:  
—Ҳамза темир йўл қасб-хўнар коллежнинг «Газ-2410» русумли автомашина 750 000 сўмга;

—Узёнефтгазишчи таъминот» АКнинг Газ-31029 русумли 1 450 000 сўмга;  
13 июль кунини ўтказилган аукцион савдоларида:  
— Акмал Икромов тумани, Маҳорат кўчасида яқка тартибда уй-жой қуриш учун, сатҳи 0,01га бўлган ер участкаси 155 000 сўмга;  
Қуйидаги автотранспорт воситалари:  
Тошкент вилояти ИИБ Автохўжалигининг: иккита Газ-2410 русумли автомашина хар бири 750 000 сўмдан;  
— «INVEST TOSH» МЧЖнинг «Нексия» русумли автомашина 3 600 000 сўмга;  
УзР Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг:  
— Раф 220301 д/р 10 АР 927, 2 700 000 сўмга; ва д/р 10 АР 928, 2 500 000 сўмга;  
16 июль кунини ўтказилган аукцион савдоларида:  
—УзР Президенти девони Ишлар бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги МТТ идорасининг д/р 10А5 506 бўлган ГАЗ—3102, 2 600 000 сўмга;  
—УзР ТИФМБнинг д/р 10АР 038 бўлган УАЗ-31514-10 русумли автомашина 1 450 000 сўмга сотилганини маълум қилади.

**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР  
БОШҚАРМАСИ ХУЗУРИДАГИ  
« РОУТАХТ АУКСИОН » ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ  
2004 ЙИЛНИНГ 15 ИЮЛЬ КУНЛАРИ АУКСИОН  
САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗДИ**

Ўтказилган аукцион савдоларида Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган «Parkent itxisoslashgan bozori» ОАЖ худудида 2 та (1 та - 36 кв.м. бўлган қурилиш моллари ва 1 та - лак-бўёқ махсусотлари савдоси учун мўлжалланган) турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқлари харидорлар томонидан қуйида белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли қайтадан савдоларга қўйилиб сотилди.  
Турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқини қўлга киритган савдо голибларига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:  
—аукцион савдолари ўтказилган кунини савдо натижаси тўғрисидаги яқуний баённомани ва савдо кунидан 10 (ўн) кун муддат ичида қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзолаш;  
—савдо объекти қуришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш;  
—бозор маъмурияти билан тузилган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш.  
«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси  
2004 йилнинг 27, 29 июль, 3,5,10,12,17,19 август кунлари аукцион савдоларини ўтказди.  
Савдоларга, аввал ўтказилган аукцион савдоларида сотилган, лекин голиблар томонидан белгиланган мажбуриятлар муддатда бажарилмаган турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқи мазкур эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтанинг ҳар сешанба, пайшанба кунлари қайтадан қўйилади.  
Савдо голибларига юқорида келтирилган мажбуриятлар юкланади.  
Савдолар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Талабгорлар «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг «Узўйжойжамгармабан» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 5 фоизи миқдорда закат пули тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун илгари соат 18-00 да тўхтатилади.  
Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «а»-уй манзилида жойлашган Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ўтказилади. Соат 11-00 да бошланади.

*Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишиқиз мумкин:*  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «а»-уй, 204-хона. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

**“ИШЛАБ ТОП!”**

Жаноб тадбиркорлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!

Биз январь, июль, сентябрь, февраль тўра ёилларини. Бизга фақат Сизнинг таъриб ва қўллашга етказилган. Ҳайрат ва таърибни бироз ширин вақти келди. Чунки бу — иттифоқимизга олиб борувчи энг қизил йўл.



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади. Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

Телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz  
www.2oxygen.com  
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

**Спорт**

**ЖИДДИЙ  
ХОЗИРЛИК  
КЎРИШМОҚДА**

Маълумки, сентябрь ва октябрь ойларида Малайзияда футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақада Рауф Инилеев етакчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Минтака биринчилигида муваффақиятли катнашишни ўз олдига ният қилган ёш футболчиларимиз ўқув-машғулот йиғинларида катнашишди. Айни кунларда Симферополь шаҳрида Осиё чемпионатида тайёргарлик кўраётган ёшларимиз бир неча ўртоқлик учрашувларида ўз омадларини синаб кўришди. Дарвоқе, Симферополга сафар олдидан Косонсой шаҳрида мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири Наманганнинг «Навбахор» футболчилари билан беллашган Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумкор ўйин намойиш этиб 5:0 ҳисобидagi ажойиб галабани қўлга киритганди. Сўнгги хабарларга қараганда ёшлар терма жамоаси таркибиди уйнаётган мохир футболчилар Александр Клецов ва Анзур Исмоиловлар Симферополга бора олишмаган. Ишонамизки, Рауф Инилеев шоғирдлари ўқув-машқ йиғинларида ёруғ юз билан қайтишди.

**ХОТИРА  
ТУРНИРИДА  
КАТНАШИШАДИ**

«Пахтакор» футбол клубида августда ўтказиладиган «Пахтакор-79» хотира турнири ташкилий кўмитаси ишчи гуруҳи аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мусобақада қатнашадиган жамоаларни қуръа натижаларига кўра гуруҳларга ажратиш ҳамда ўйинлар тақвими масалалари кўриб чиқилди. Қуръа натижаларига асосан «А» гуруҳида Туркменистон, Ўзбекистон-1, Қирғизистон, Беларус терма жамоалари ҳамда «Пахтакор-2» жамоаси ўзаро куч синашса, «В» гуруҳида Ўзбекистон-2, Россия, Қозоғистон, Тожикистон терма жамоалари ҳамда «Пахтакор-1» жой олди. Мусобақалар 5-августдан бошланади. Финал баҳси «Пахтакор» марказий стадиониди бўлиб ўтади. Дарвоқе, шу кунни Ўзбекистон Кубоги биринчи ярим финалида беллашадиган «Пахтакор» — «Нефтчи» учрашуви муҳлисларга ўзига хос завқли онларни ҳаёда этиши шубҳасиз.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш боши бошқармаси жамоаси шу бошқармада бошлиқ лавозимида узок муддат ишлаган архитектура доктори, профессор

**Мидхат Сагадатдинович  
БУЛАТОВНИНГ**  
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таъзия изхор қилади.

Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармасининг жамоаси, Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси Дадаходон Ёқубовга падари бузруквор

**Ёқубов ота  
УСМОНОВНИНГ**  
вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор қилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида» касб-хунар коллежларида кенг ихтисосликдаги мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан бир неча йиллар илгари юртимизда ўрта махсус касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичини яратиш мақсадида махсус ишчи гуруҳи тузилган эди. Мазкур анжуманда ушбу ишчи гуруҳи аъзоларининг кўп йиллик ишлари таҳлил этил-

Ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида Таълим тизимидаги тайёрлов йўналишлари, кадрлар ва ихтисосликлар таснифлагичини тақомиллаштириш ва жаҳон андозалари даражасига кўтариш масалаларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди.

**ТАСНИФЛАГИЧ  
ЖОРИЙ ЭТИЛДИ**

ди. Анжуман иштирокчиларининг таъкидлашларича, ушбу таснифлагич тизим учун ниҳоятда зарурий ҳужжат ҳисобланиб, унинг асосида янги ихтисосликлар ташкил этилади ва ўқув режалари тузилади. Бундан ташқари, ўқув жараёнини ташкил этиш, стандартлар яратишда ҳамда турли вазирлик, кўмита ва идоралардаги кадрлар билан шуғулланадиган тармоқлар учун зарур

ҳужжат ҳисобланади. Лойиҳа кенг жамоатчилик учун аниқ қўлланма вазифасини бажаради. Унда ўрта махсус касб-хунар таълими соҳасидаги йўналишлар номи, мазкур туркумга кирувчи касблар ва ихтисосликлар рўйхати тўлиқ келтирилган. Шунингдек, тадбир давомида иштирокчилар ривожланган давлатлар таълимида қўлланилаётган таснифлагичлар ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўлишди.

«Туркистон-пресс»


*Тазквондо*

**ГОЛИБЛАР ЖАҲОН  
ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ**

Пойтахтимиздаги «Умид» болалар спорт мажмуида «Ёшлар» маркази ва «Али Акбар» тазквондо GTF клуби ташаббуси билан республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмағида «Терроризм, гиёвандлик ва алкоголизмга қарши кураш» шиори остида тазквондо мусобақалари бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақа юртимизда тазквондонинг GTF йўналишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, кўплаб иқтидорли спортчиларни тарбиялаган, ВДАН қора белбоғ соҳибиди Дилшод Боймуродов хотирасига бағишланди. Унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ҳамда қашқадарёлик 168 нафар ёш спортчилар иштирок этди.

— Давлатимиз томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътиборни ёшларга қилинган ғамхў-



рлик деб биламан, — дейди мусобақа голибли Азизбек Раҳимжонов. — Чунки, спорт билан шуғулланадиган ҳар қандай ёш жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етади. Шунингдек, ҳаётга қизиқиши кучаяди. Айниқса бугунги мусобақанинг «Терроризм, гиёвандлик ва алкоголизмга қарши кураш» шиори остида ўтказилиши ҳам ёшларни сергакликка чақиради.

Мусобақада Дилрабо Сангилова ва Азизбек Раҳимжонов сингари маҳоратли катнашчилар биринчи ўринга муносиб дөб топилдилар. Қолган вазилар бўйича эса Миржаалол Азизов, Сарвар Улмасов, Ойбек Эшонов, Жасур Омонбоев ва Зилола Ортиқова каби ёш тазквондочилар биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Энди улар шу ой охирида Россиянинг Архангельск шаҳрида бўлиб ўтадиган V жаҳон чемпионатида иштирок этадилар.

Мусобақа сўнгиди «Ёшлар» маркази ва «Али Акбар» тазквондо GTF клуби томонидан голибларга Фаҳрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шажло ҲОШИМОВА  
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.



Бу борада ўтган 2003 йил давомида бўлим ходимлари томонидан 15 ҳолатда қонунбузарликлар аниқланиб, қонунбузарлардан жами 17837 АҚШ доллари ва 1104,0 минг сўм миллий валюта далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, 12 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилган, 3 та ҳолатда иш маъмурий тартибда ҳал этилган. Қонунбузарлардан олиб қўйилган валюта қимматликларни суд ҳукми ва қарорларига асосан давлат фойдасига мусодара этилди.

Департамент идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳуқуқ-тарғибот ишлари бўлиб, бўлим томонидан «кабель телевидениеси» ва бозорлар радиоузеллари орқали валютага оид жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кескин чоралар кўриш мақсадида туман фуқароларни оғоҳликка чақириб, эшиттириш ва кўрсатувларнинг бериб борилиши натижасида фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ошмоқда. Олиб борилган ҳуқуқ-тарғибот ишлари натижасида 2004

йилнинг ўтган даврида туман ҳудудида ноқонуний равишда валюта қимматликларини

яқинда бўлим ходимлари томонидан олинган тезкор маълумот асосида тумандаги «Яр-

*Жиноят ва жазо*

**ҚОНУНБУЗАРЛИККА  
ЧЕК ҚЎЙИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш Департаменти фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Сергели туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашни бўлими томонидан туман ҳудудида доимий равишда қонунга хилоф ҳолда чет эл валютасини олиш, сотиш ва ўтказиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан чоралар кўриш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

олиш ёки ўтказиш билан шуғулланаётган шахслар сони кескин камайишига эришилди.

Лекин ҳали ҳам ўз манфатини ўйлаб енгил йўллар билан ноқонуний тарзда бойиб олишни ҳаёл қилган фуқаролар учрамоқда. Жумладан,

марка» деҳқон бозори ҳудудида рейд ўтказилди. Ушбу текширув давомида фуқаро Е. Александр қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини сотиш мақсадида, фуқаро М. Комиловдан 700 АҚШ долларини (ҳар бир АҚШ долларини 1000 сўмдан

келишиб), 400,0 мингини миллий валютата, қолган суммида эса 8400 Россия рублида ҳисоб-китоб қилиб сотиб олаётганлиги, текширув давомида унинг ёнида яна 150 Россия рубли борлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Фуқаро Е. Александрга тегишли бўлган 400,0 минг сўм ва 8550 Россия рубли далилий ашё сифатида олиниб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Мазкур жиноят иши Сергели туман жиноят ишлари бўйича судида кўрилиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тури қўлланилиб, далилий ашё сифатида 400,0 минг сўм ва 8550 Россия рубли давлат фойдасига мусодара қилинган.

**М. АЛИАЕВ,**  
Сергели туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашни бўлими катта суриштирувчиси.

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Маتبутчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
ҳатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажми — 2 босма тибок, офсет  
усулида босилган.  
2812 нусхад босилди. Қўғоғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Маتبут ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрия етказиб бериш масалалари бўйича гузар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишниги мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашрийёт-матбоа оқидарлик компанияси босмоҳонаси. Корҳона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.